

Мўғул татар қиссаси

16- қисм

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

АБУ АБДУЛЛОҲ аш-ШОШИЙ

Нашрга тайёрловчи: *Шамсиддин Даргомий*

2012 - 1433

IslamHouse.com

﴿ قصة التتار - المغول ﴾

الحلقة السادسة عشر

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: شمس الدين درغامي

2012 - 1433

IslamHouse.com

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Мўғул-татар қиссаси

Барча мактовлар Оллоҳга хосдир. Унга ҳамду сано ва истиффорлар айтамыз, Ундан ёрдам сўраймыз, нафсларимиз ҳамда ёмон амалларимиздан паноҳ тилаймыз. Оллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен шериксиз, ягона Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бераман.

Ўтган суҳбатимизда:

- Носир Юсуфнинг жиҳодга даъвати;
- Мўғуллар ва насронийлар ўртасидаги алоқа;
- Ҳулағунинг Ҳалабга йўналиши;
- Ҳалаб шаҳрининг қамал қилиниши;
- Майяфариқин шаҳри ишғоли ва амир Комил Муҳаммаднинг қатл қилиниши;
- Ҳалаб қалъасининг ишғоли каби мавзуларни зикр қилган эдик.

Ҳулағунинг амирларга муомаласи

Ҳулағу Ҳалаб ва Ҳарим шаҳарларини ишғол қилгандан сўнг, ғарбга Туркиянинг жанубида жойлашган

Антокия¹ амирлигига қараб йўл олди. Бу амирлик Хулағунинг иттифоқдоши насроний амир Бухмандга қарашли эди. Хулағу Антокия шаҳридан ташқарида ҳарбий лагер ўрнатди, сўнгра барча ҳамкорларини янги Ўрта Шарқ вазиятини музокара қилиш мақсадида қурилган конференцияга чақирди. Барча минтакалардан мўғул иттифоқдошлари Хулағунинг хузурига равона бўлишди. Жумладан, Арманистон подшоси Ҳайсум, Антокия амири Бухманд, салжуқий амирлари Кай Ковус II ва унинг укаси Рукнуддин Қилич Арслон IV лар келишди.

Мажлисида Хулағу қарор ва буйруқлар мажмуасини бирма-бир зикр қила бошлади:

Биринчи буйруқ: Боғдод, Майяфариқин ва Ҳалабнинг ишғолида ёрдамини дариг тутмагани учун Арманистон подшоси Ҳайсумни Ҳалабдан тушган ғаниматлардан катта мукофот билан тақдирлади².

Иккинчи буйруқ: У икки султон, яъни салжуқий амирлари Кай Ковус II ва Рукнуддин Қилич Арслон IV лар зарарига ҳукм ўқиди, яъни илгари мусулмонлар арманлар билан жанг қилиб, фатҳ қилган шаҳар ва қалъаларни

¹ Турк. Antakya.

² Абдуссалом Фаҳмий "Тарих ад-давлат ал-мўғул фи эрон" (141 - бет), Саййод "Ал-мўғул фит-тарих" (1-жилд, 294, 295 - бет).

Арманистон подшосига қайтариб берди³. Бу қарорга иккала султон ҳам эътироз билдиришга фурсат топмади ҳам.

Учинчи буйрук: Ҳулагу ўзини қўллаб-қувватлагани учун Антокия амири Бухмандга мусулмон Лазиқия⁴ шаҳрини тақдим қилди⁵. Чунончи, бу шаҳар салибчилар қўлидан Салоҳуддин Айнобий раҳимаҳуллоҳ замонларида озод қилинган ва ўша лаҳзадаёқ мусулмон бўлган эди. Энди эса, бир оғиз калима билан насронийларга топширилди. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ.

Тўртинчи буйрук: Ҳулагу томонидан берилган бу қарор жуда ғаройиб эди. Унда Антокия ва Арманистон подшоларининг зарарига ҳукм қилинди. Бу қарор бундан буён тизгин уларнинг янги саййидлари Ҳулагунинг қўлида эканлиги ва иттифокдош амир ва подшоларнинг ҳеч ким эмаслига урғу бериш, ҳамда Ҳайсум ва Бухмандлар биз Ҳулагуга тенг ҳуқуқлимиз деган ўйлари хомхаёл эканлигини исботлаш йўлида қилинган тadbир эди. Бу қарор, Антокия канисасига (черковига) янги патриарх тайинлаш қарори эди. Аслини олганда бу иш насронийларнинг вазифаси эди. Ҳулагунинг эса

³ Абдуссалом Фаҳмий "Тарих ад-давлат ал-мўғул фи эрон" (141 - бет), Саййод "Ал-мўғул фит-тарих" (1-жилд, 294, 295 - бет).

⁴ Турк. Lazkiye.

⁵ Абдуссалом Фаҳмий "Тарих ад-давлат ал-мўғул фи эрон" (141 - бет), Саййод "Ал-мўғул фит-тарих" (1-жилд, 294, 295 - бет).

насронийликдан хабари ҳам йўқ эди. Лекин у эски патриархни вазифасидан олиб, янгисини қўйиш қарорини берди. Устига-ушак янги патриархни Юнонистондан олиб келишини билдирди, яъни бошқача қилиб айтганда католиклар канисасига ортодоксал йўналишдаги патриархни бошлиқ қилишини айтди. Бу насронийлар тарихида учрамаган ўта хатарли ҳодиса эди. Католик ва ортодоксал (православ) тоифалари орасида муносабат эса жуда кескин эди. Ҳулагу италиялик роҳиб ўрнига юнонистонлик роҳиб Юмнимиусни тайин қилди⁶. Шомдаги барча канисалар католик мазҳабида эди. Ҳулағунинг бундай йўл тутиши остида бир неча сабаблар ётарди:

Биринчи: Атрофида ўзларини бош деб санамасликлари учун Арманистон ва Антокия амирларини попугини пасайтириб қўйиш.

Иккинчи: Минтақада ғалаён бўлиши, яъни бу жойлардаги амир ва подшоларнинг доимий мурасасиз бўлиши.

Учинчи: Ҳулагу маълум бир муҳлатга буюк Византия давлати императори билан муроса қилишни ихтиёр қилган

⁶ Сиржоний "Қиссатут-татар" (193, 194 - бет).

эди. Мусулмон ўлкаларни забт этиб бўлгандан сўнг, уни ҳам эгаллашни дилига тугди⁷.

Католикларнинг устига ортодоксал йўналишдаги патриархни келтирилишига Антокия амири эътироз билдира олмади. Салиб амирликларининг бунга қаршилиги эса бирор қийматга эга эмасди.

Ҳамаҳ шахрининг таслими

Хулагу Суриянинг шимоли ҳамда Туркиянинг жанубини эгаллади ва даставвал жанубга юриб Ҳамаҳ шахрини қўлга киритишни, сўнгра унинг ортидан Ҳимс шахрига юришни ўйлади. Ҳимс шахри хоин амир Ашроф Айюбийнинг ўлкаси эди. Хулагу Ҳимсдан кейин Дамашқнинг шимолига –Носир Юсуфнинг ишини битириш учун– юришни қасд қилди. Мўғул лашкари жануб сари юришга киришди. Шу вақт Ҳамаҳ шахрининг аъёнлари ва катталаридан иборат делегация Хулагунинг ҳузурига келиб, шаҳар калитларини топширишди. Хулагу уни қабул қилиб, шаҳарга омонлик берди⁸. Бу билан у шаҳар ва қалъаларни ҳамаҳликлар каби қаршиликсиз таслим бўлишларига чақирган эди.

⁷ Сиржоний "Қиссатут-татар" (194 - бет).

⁸ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/396), Ғомидий "Жихадул-мамалик" докторлик рисоласи (97 - бет).

Мўғулларнинг Дамашқ сари отланиши

Хулагу Ҳамаҳ шаҳрини тарк қилиб, дўсти Ашроф Айюбийнинг мамлакати Ҳимсга қараб юрди, бироқ унга ҳам кирмасдан тўғри Дамашқ сари отланди. Чунончи, Ҳимс билан Дамашқ орасидаги масофа бор-йўғи 120 км эди. Носир Юсуфга шумхабар келди. Бу хунук хабар кўрғонли Майяфариқин амирлигининг ишғоли ва унинг амири Комил Муҳаммаднинг қатли, Ҳалаб ва Ҳаримнинг забт этилиши ҳамда Ҳамаҳ ва Ҳимснинг таслим бўлиши эди. Шунингдек, у Ҳулағунинг навбатдаги қадами Дамашқ эканлигини жуда яхши биларди.

Хулагу Дамашқ аҳлига элчилар юборди. Элчилар шаҳарга 658 х.с. 17 сафар / 1260 м.с. 9 феврал душанба куни кириб келишди. Пешин намозидан сўнг, шаҳар халқига таслим бўлиши муқобилида омонлик ваъда қилинган фармон ўқилди⁹. Шунда Дамашқ аҳлидан баъзи катта аъёнлар ва амир Зайнуддин Ҳофизий бошлиқ халқ Ҳалабнинг куни бошимизга тушмасдан таслим бўлайлик ва омонлик талаб қилайлик, дейишди. Аммо Рукнуддин Бейбарс Бундуқдорий бошлиқ Баҳрий мамлуклар ва шаҳар аҳлининг баъзилари бу фикрни раъд қилишди. Бейбарс амир Зайнуддинга: "мусулмонларнинг ҳалокатига сизлар сабабчисизлар", деди. Носир Юсуф амир Зайнуддиннинг фикрини маъқул кўрди. Шунда Бейбарс Баҳрий

⁹ Ғомидий "Жихадул-мамалик" докторлик рисоласи (93 - бет).

мамлукларга Носир Юсуфни ўлдириб, калбида иймон, уммат ғами ва ҳамият бор одамни амир қилиш қарорини берди. Бундан хабар топган Носир Юсуф Дамашк қалъасига беркинди. У Бейбарс ва Баҳрий мамлукларни Ғазога кетганидан хабар топгандан сўнг қалъадан чиқди¹⁰.

Кўроқлигида машҳур Носир Юсуф нима қиларини билмай довдираб қолди. Ваҳолангки ўзи мўғулларга қарши жиҳод эълон қилиб қўйган эди. Энди нима қилиш керак деган ўй унинг ич-ичини кемира бошлади. У ўйлар оламида кўп ҳаялламасдан, армия сардорлари ва катталарини тўплаб мажлис курди. Машварат тортишув ва баҳслар билан узоқ чўзилди, охири шаҳарни ҳимоя қилолмаймиз, қочишдан бошқа чора йўқ деган қарорни ёқлаб чиқишди. Аслини олганда шаҳарнинг ҳимояси ҳақида гап-сўз бўлмади десак муболаға бўлмас. Амир Носир Юсуф, унинг амирлари ва армияси Дамашк шаҳри ва унинг халқини ҳимоясиз, ёрдамсиз ҳолатда ташлаб, ўзлари қочиш қарорига келишди. Носир Юсуф 658 ҳ.с. сафар ойи / 1260 м.с. феврал ойининг ўрталарида жума куни ўзига эргашганларни олиб, Барзадан Ғазога отланди. Мустаҳкам қўрғонли буюк шаҳар амирларсиз ва тамоман ҳимоясиз қолди¹¹. Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожибун.

¹⁰ Ғомидий "Жихадул-мамалик" докторлик рисоласи (94 - бет).

¹¹ Мақризий "ас-Сулук" (1/511-бет), Ғомидий "Жихадул-мамалик" докторлик рисоласи (95 - бет).

Носир Юсуф Ҳалабга 23 йилу 7 ой, жумладан Дамашққа 50 кун кам 10 йил волийлик қилган эди¹².

Дамашқнинг таслими

Дамашқ халқи эсанкираб қолди, чунки амирлари ва мунтазам армия шаҳарни ташлаб қочиб қолган, мўғул лашкари бир неча кундан кейин етиб келади ва мўғуллар ҳеч кимни аямайди, ҳўлу-қуруқ бирор нарсени саломат қўймайди. У ҳам етмагандай, халқ жиҳодга тайёргарлик кўрмаган ва жанг сирларидан беҳабар эди. Шу сабаб, Дамашқ аҳли саросимага тушиб, нима қиларини билмай қолди. Шунда Дамашқнинг аъёнлари ва катталари жамланишди ва Ҳамаҳ халқи қилганидай улар ҳам шаҳар дарвозалари калитини Ҳулагуга топшириш муқобилида омонлик сўраш қарорига келишди. Озгина мужоҳидларни демасак, бошқа барча ушбу қарор тарафдори бўлган эди. Ўша оз сондаги мужоҳидлар Дамашқ қалъасини ўзларига кўрғон тутиб, охириги лаҳзагача туриб беришди. Ҳулагунинг Ҳамаҳ шаҳрига берган омонлиги ўз самарасини бера бошлаган эди. Дамашқ ҳам жангу жадалсиз таслим йўлини танлади. Дамашқ аъёнларидан иборат делегация Ҳулагунинг хузурига келиб, совға-

¹² Макризий "ас-Сулук" (1/511-бет).

саломлар билан шаҳар калитларини таслим қилишди ва итоатларини изҳор қилиб, омонлик талабида бўлишди¹³.

Бироқ Ҳулагу бу делегацияга бироз ишонқирамади ва Китбугани Дамашқда ҳақиқатда аҳвол қандайлигини билиш учун жўнатди. У шаҳарга келганида халқ ундан омонлик сўради, сўнгра такрор шаҳар аёнларини Ҳулагунинг ҳузурига йўллади. Шаҳарда мусулмонларнинг ҳолати шу қадар тубанликка етгани ва ақалли бир киши ҳам бош кўтармаганидан тарихчи Рошидуддин шундай тасвирлайди: "Мўғуллар шаҳарга бирор муҳосара ва жангу жадалсиз кириб бордилар"¹⁴, яъни мушугини пишт дейдиган одамнинг ўзи бўлмади. Сўнгра Ҳулагу шаҳарга бир гуруҳ мўғулларни ҳамда шаҳар аҳлидан уч кишини бошқарувга тайин қилди¹⁵.

Мўғул хоқони Мангухоннинг ўлими

Ҳулагу Дамашққа киришидан олдин қутилмаган ҳодиса юз берди, бу ҳодиса мўғуллар учун катта мусибат эди. Бу хабар Ҳулагу Дамашққа нажас оёғини энди қўйишга шай бўлиб турганда келди. Мўғуллар учун нохуш, бутун олам учун хушхабар бўлган бу ҳодиса мўғул

¹³ Рошидуддин "Жомиъут-таварих" (2 - жилд, 1 - қисм, 307, 308 - бет), Ғомидий "Жихадул-мамалик" докторлик рисоласи (96 - бет).

¹⁴ Рошидуддин "Жомиъут-таварих" (2 - жилд, 1 - қисм, 307, 308 - бет).

¹⁵ Рошидуддин "Жомиъут-таварих" (2 - жилд, 1 - қисм, 307, 308 - бет), Ғомидий "Жихадул-мамалик" докторлик рисоласи (96 - бет).

хоқони Мангухоннинг ўлими эди. Мангухоннинг укаси ҳамда мўғул хонлигига номзод Ҳулагу Дамашққа кириш ё кирмаслигини билмай қолди. Ҳулагу кенг микёсда ғалаба қозонган, мусулмонлар тарихида ўчмас қора из қолдирган, Аббосийлар хилофатини ағдарган шахс эди. Ҳулагу Шом ва унинг атрофидаги минтақалар ҳокимлиги эмас, бутун бошли мўғул империясига ҳукмрон бўлиш пайига тушди ва лашкарини ташлаб ўзи Қорақурумга шошилди. У Эроннинг Табриз шахрига етганида унга қаттиқ зарба бўлган воқеадан хабардор бўлди, мўғул давлати хоқонлигига Қубулой сайланган эди. Шунда у Қорақурумга бўлган сафаридан воз кечди, Шомга ҳам қайтмади. Табризда туриб, эгаллаган кенг мамлакатадаги вазиятни кузатиб туришга қарор берди.

Мўғуллар Дамашқда

Ҳулагу Шомдаги мўғул лашкарига Китбуга нойон¹⁶ни ўринбосар қилиб қолдирган эди. У Дамашқ аъёнларидан олган шаҳар калитлари эвазига Дамашқ аҳлига омонлик берди ва лашкари билан буюк шаҳар Дамашқ сари йўл олди. Бир пайтлар Умавийлар хилофатининг пойтахти бўлган Дамашқ, Аббосийлар пойтахти Боғдод сингари ишғол қилинди. Дамашқ ислом оламидаги катта шаҳарлардан бири бўлибгина қолмай, энг муҳим жиҳод

¹⁶ Нойн ёки нойон сўзининг маъноси 10.000 аскарнинг амири деганидир. Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/414).

майдони ва юксак илм даргоҳи ҳам эди. Дамашк мўғул лашкарига тўлди, улар сафар ойининг охирларида бирор қаршилик ва жангу жадалсиз шаҳар дарвозаларидан хотиржам кириб келишган эди¹⁷.

Оҳ, Шомнинг дури гавҳари! Оҳ, ислом оламининг қалби!

Қани Убайда ибн Жарроҳ?

Холиб ибн Валид, Язид ибн Абу Суфён, Амр ибн Ос, Шурахбил ибн Ҳасана разияллоҳу анҳумлар қани?

Бундан олти аср олдин бу кўрғонли шаҳарни фатҳ қилган фотиҳлар қани?

Бу ўриндан туриб бутун дунёга ҳукм қилган Муовия разияллоҳу анҳу қани?

Бани Умайя халифалари қани?

Ғалаба ва фахрли жиҳодлари билан тилларда дoston бўлган Имодуддин Зинкий ва Нуруддин Маҳмуд раҳимаҳумаллоҳлар қани?

¹⁷ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/396).

Айни дамда Дамашқ тупрокларида ётган Салоҳуддин Айюбий раҳимахуллоҳчи?

Кунлар ўтиб, мусулмонлар тушларида ҳам кўрмаган ишларга гувоҳ бўлишади. Насроний амирларидан учтасининг лашкар бошида мағрурона Дамашқ дарвозаларидан кириб, буюк ислом шаҳри кўчаларида виқор билан айланиб юришларига гувоҳ бўладилар. Мўғул лашкари олдида уларнинг сардори насроний Китбуга нойон ва унинг ҳамроҳлари Арманистон подшоси Ҳайсум билан Антокия амири Бухманд кириб келишади. Ҳижрий 14 - йил исломий фатҳ бўлган кезлар Рум қайсари Ҳирақл замонида Румон лашкарининг амирлари Дамашқни тарк қилгандан буён, бу шаҳарга илк бор насроний амирларнинг қадам қўйиши эди¹⁸. Ва лаа ҳавла ва лаа куввата иллаа биллаҳ.

Мўғуллар қалъани ўзларига кўрғон қилган мужоҳидлардан бошқа ҳеч кимни ўлдирмадилар. Дамашқ 658 ҳ.с. сафар ойининг охирларида / 1260 м.с. феврал ойида, яъни Боғдод ағдарилганидан икки йилдан сўнг ишғол қилинди¹⁹. Бу икки йил мобайнида мўғуллар Ироқ, Туркия ва Суриянинг бир қатор шаҳарларини забт этишди.

(15 - х)

¹⁸ Саййид ал-Урайний "Ал-мўғул" (248 - бет).

¹⁹ Сиржоний "Қиссатут-татар" (201 - бет).

Китбуга 658 ҳ.с. 6 рабиъул аввал / 1260 м.с. 27 феврал кечқурун Хулагудан фармон олиб, мужоҳидлар кўрғон қилган қалъани қамал қилишга киришди. Қалъа атрофига 20 дан ортиқ манжаниқлар ўрнатиб, қалъани ўққа тутди. Ва ниҳоят шу йилнинг 22 жумодул увло, яъни 12 май куни қалъани ишғол қилишди²⁰. Ундаги ҳамма нарсаларни бузиб, вайрон қилишди. Мужоҳидларнинг бошлиғи Бадруддин ибн Муҳаммад Қормажоҳ ва унинг ёрдамчиси Жамолуддин ибн Сайрафий ал-Ҳалабийни қўлга олиб, қатл қилишди²¹.

Дамашқда насронийлар ҳукмронлиги

Мўғуллар Дамашқ шаҳрини насронийлар воситасида идора қила бошлади. Насронийларни улуғлаб, уларга жуда муҳаббатли бўлган Эбел Сиян исмли мўғул шаҳар бошқарувига қўйилган эди. Дамашқ ўз тарихида жуда ажиб даврни бошидан кечира бошлади. Ибн Касир раҳимахуллоҳ "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя"да бу ҳолат тафсилотини шундай тасвирлайди: "Эбел Сиян лаъанахуллоҳ, насроний епископ ва руҳонийларни тўплаб, уларни жуда улуғлаб, канисаларини зиёрат қилди. Унинг юзидан улар ҳам давлат, ҳам савлат топдилар. Улардан бир гуруҳи совға-саломлар билан Табризга Хулагунинг ҳузурига боришди. Хулагу уларни чиройли қаршилади,

²⁰ Мақризий "ас-Сулуқ" (1/513 - бет), Ғомидий "Жихадул-мамалик" докторлик рисоласи (97 - бет).

²¹ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/397).

сўнгра улар ҳадияларни тақдим қилиб, эвазига ундан омонлик олишди"²².

Улар Дамашқнинг Тумо эшиги²³дан қўлларида ёғочга ўрнатилган хоч билан киришди. Улар хочларини баланд кўтариб олишган ва "Саҳиҳ дин бўлмиш Масиҳнинг дини ғолиб бўлди", – деган ўзларининг манфур шиорларини айтган ҳолатда кириб келишарди²⁴.

Ислом дини ва мусулмонларни хўрлаган ҳолатда хамр солинган идиш ва шишаларни кўтариб олиб, бирор масжид ёки мусулмонларнинг олдидан ўтсалар, идишдаги бу нажас – хамрни унинг эшиклари ёки мусулмонларнинг юзларига сепмасдан ўтмас эдилар. Бу ҳодиса муборак ой рамазон кунларига тўғри келган эди²⁵. Кўча-кўй ва бозорларда юрган мусулмонларни хочларининг қаршисида тик туришига буюрар эдилар. Уларнинг хатиби бозорнинг бир бурчагидаги дўконнинг қаршисига келиб, насронийлик динини мадҳ этиб, ислом дини ва мусулмонларни мазаммат қилди. Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиъун. Сўнгра улар масжидга киришди, киришларидан олдин унинг эшикларига майни сепишди²⁶.

²² Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/397, 398).

²³ Бу эшик қадимги Дамашқ дарвозаларидан бири бўлиб, шаҳарнинг шимоли-шарқий томонида жойлашган ва унинг номи 12 насроний элчилардан бири бўлган Сент Томаснинг шарафига қўйилгандир.

²⁴ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/398).

²⁵ Макризий "ас-Сулуқ" (1/512 - бет).

²⁶ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/398).

Шунда мусулмон қозилар, гувоҳлар ва фақиҳлар Эбел Сианга шикоят қилиб, унинг ҳузурига боришди. У мусулмонларни хўрлаб, насронийларнинг катталарини сўзини уларга тақдим қилиб, ҳузуридан қувиб солди²⁷.

Фаластин ишғоли

Сўнгра Суриядаги мўғул сардори Китбуга нойон лашкаридан бир қисмини Фаластинга жўнатди. Бу мўғул лашкари Фаластинни ишғол қилди, сўнгра Наблус²⁸ни қўлга киритди. Кейин мўғул қўшини Фаластиндан ўтиб, Ғазо шаҳрини ишғол қилди. Бироқ улар Сурия ва Ливанда насроний амирликларига тегмаганларидек, Фаластиндаги салиб амирликларига ҳам яқинлашмади. Шундай қилиб, Фаластин мўғуллар ва насронийлар орасида тақсимланди. Мўғуллар Фаластинни ишғол қилган ондан эътиборан бутун Ироқ, Туркиянинг катта ҳудудлари, Сурия, Ливан ва Фаластинни эгаллаган эдилар. Буларнинг барчаси атиги икки йил, яъни 656 - 658 ҳ.с.лар / 1258 - 1260 м.с.лар орасида юз берди²⁹.

²⁷ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/398, 399).

²⁸ Ёки Набулус.

²⁹ Сиржоний "Қиссатут-татар" (204 - бет).

Миср мўғуллар қаршисида

Мўғулларнинг навбатдаги қадами Миср эди. Мўғулларнинг олдида Миср ҳудудигача бор йўғи 35 км масофа қолган эди ҳалос. Ўша пайтлар Миср Мамлуклар ҳукмида эди. Мўғулларнинг Мисрға юриш қилишларининг бир неча сабаблари бор эди:

Биринчи: Мўғулларнинг босқинчилик сиёсати. Ундан маълум бўладики, улар бир давлатни босиб олсалар, сўнгра албатта бошқасига ўтардилар. Энди уларнинг навбатдаги қадами Фаластиннинг ён қўшниси Миср диёри эди.

Иккинчи: Ислом олами ичида мўғулларга таҳдид солиш қувватига эга бўлган биргина Мисрнинг қолганлиги. Хоразм давлати, Боғдод, Ҳалаб, Дамашқ ва бошқалар маҳв этилди. Ислом оламидаги охириги бекат Миср минтақаси бўлиб, борди-ю у ҳам забт этилса, ер куррасида мусулмонларнинг қадри қолмаслиги турган гап эди.

Учинчи: Мисрнинг ўта муҳим стратегик мавқега эгаллиги. Миср қадимда дунёнинг марказларидан бўлиб, у орқали тижорат йўллари ўтганлиги кундай равшан эди.

Тўртинчи: Мисрнинг Африка эшиги эканлиги. Агар Миср қўлга киритилса, мўғуллар шимолий Африкани

бутунлай кўлга киритар эдилар, чунки ўша дамлар шимолий Африка айтарлик кувватга эга эмасди.

Бешинчи: Миср нуфусининг кўплиги. Ўша вақтларда Мисрнинг аҳолиси бошқа ислом минтақаларига қараганда анча кўп эди. Бу эса ўз навбатида ҳар қандай душманга ҳақиқий хатарни туғдириши табиийдир.

Олтинчи: Миср аҳлининг диний ҳамияти ва исломий уйғониши жуда юксаклиги. Мўғуллар кўрққан нарса ҳамиятли, ғурурли ва исломий уйғоқ катта халқ орасидаги ғаюр, исломни ардоқлаган солиҳ мужоҳидлардан бири уларга бош бўлиб, вазиятни ўзгартириши ва мўғулларни бу минтақаларга киришини манъ қилиши эди³⁰.

Мисрдаги ҳолат

Мўғулларнинг Мисрга хужум қилишига доир воқеалар ҳақида сўзлашдан олдин, Миср минтақасидаги ҳолат ва Мамлуклар тарихига оид маълумотларни зикр қилишни лозим топдик. Бунинг тафсилоти янги мавзуга киришимизни тақозо қилади. Оллоҳ таолодан тавфиқ сўраган ҳолда унинг изоҳига киришамиз, иншааллоҳ. Дарҳақиқат, ислом тарихида чуқур из қолдирган Мамлуклар давлати тарихидан нафақат омма мусулмонлар, ҳатто зиёли мусулмонларнинг аксарияти

³⁰ Сиржоний "Қиссатут-татар" (205, 206 - бет).

ҳам беҳабардир. Бунинг бир неча сабаблари бор, жумладан: Мамлуқлар давлати пайдо бўлган кезларда ислом уммати катта бўлиниш, тарқоқликка юз тутган ҳамда унинг ичида кўплаб амирликлар ва давлатчалар юзага келган эди. Тарихнинг бу даврини ўрганиш ўқувчидан зўр бериб тиришишни талаб қилади. Чунки Мамлуқлар фақат маъруф бўлган бешта ёки олтита шаҳаргагина ҳукм юргизган. Уларнинг пайдо бўлиши ислом оламининг бир қатор жойларида пайдо бўлган амирликлар билан ҳамоҳанг бўлган ва Мамлуқлар тарихини билиш учун улар билан замондош бўлган ҳамда у билан бирга тарихий воқеаларни бошдан кечирган бу минтақаларнинг барчасини ўрганиш зарур бўлади. Бу эса, шубҳасиз мураккаб ва ўзига яраша машаққат ҳам.

Мусулмонларнинг Мамлуқлар тарихини билишдан узоқ бўлишларига олиб келган сабаб ва омиллардан яна бири: Мамлуқлар давлатида волий ва султонларнинг кўп бўлганидир. Агар бир волий ёки султон узоқроқ муддат бошқарув курсисида ўтирса, бу даврни яхшироқ фаҳмлаш мумкин. Аммо султонларнинг тинимсиз алмашилиб туриши ўша даврни билишни қийинлаштиради. Мамлуқлар давлатининг аввали айнан шундай бўлган. Бу давлатни бир неча босқичларга бўлиш мумкин, унинг илк босқичи "ал-Мамалик ал-Баҳрия" давлати деб аталган ва 144 сана давом этган. Бу даврда 29 та султон ўтган, яъни ўрта ҳисобда ҳар 5 йилда давлат бошлиғи алмашиб

турган³¹. Бу билан ҳар бир султон қатъан 5 йилдан ҳоким бўлди, демокчи эмасмиз, уларнинг ичида бир неча йиллар ёки бир-икки йил султон бўлганлари бўлган, албатта. Лекин шу муддатда ўшанча ҳоким ўзгарганини англамоқчимиз, бу эса ўша даврнинг тарихини ўрганишни қийинлаштириши аниқ.

Ҳаммасидан ҳам Мамлуклар тарихини мавҳумлашишига олиб келган сабаб, бу Ислом тарихини сохталаштиришдир. Шарқшунослар ва уларга мафтун ҳолатда эргашган баъзи мусулмонлар бу сохталикни катталаштириб юбордилар. Чунончи, Мамлуклар ер курраси тарихида, айниқса ислом тарихида ўта муҳим ва порлоқ мувофақият сохиблари бўлишига қарамай, бу шарқшунослар улар ҳақидаги маълумотларни нотўғри талқин қилиб, бузиб кўрсатдилар. Бу мувофақиятларнинг энг муҳими: Мамлуклар давлати ислом умматини парчалаб ташлашга бел боғлаган ер юзидаги икки қувват: Мўғул ва Салибчилар қувватларига катта тўсиқ бўлиб келганидир. Мамлуклар тарихнинг турли босқичларида бу икки тажовузкор гуруҳларга қарши мунтазам жиҳод қилиб келди.

Мамлуклар давлати ер юзида роппа-роса 270 йил ислом байроғини кўтариб келди. Усманийлар хилофати мусулмонлар байроғини қўлга олгунча уни баланд

³¹ Сиржоний "Қиссатут-татар" (207 - бет).

кўтардилар. Мамлуклар қиссасига киришдан олдин бир оз орқага қайтамиз, яъни Мамлуклар давлатидан илгариги Айюбийлар давлати ҳақида озроқ тўхталамиз.

Айюбийлар давлатига чизгилар

Айюбийлар давлатига 569 ҳ.с. / 1174 м.с. ислом оламининг буюк қаҳрамони Салоҳуддин Айюбий раҳимахуллоҳ асос солган эди. Бу саналар ниҳоятда аҳамиятлидир, буларни ҳар бир мусулмон кишининг билиши фойдадан холи бўлмайди. Салоҳуддин Айюбий бу давлатни оламдан кўз юмгунича, яъни 589 ҳ.с. / 1193 м.с.гача 20 йил мобайнида бошқариб келди. Ўша дамлар Миср ва Шом ўлкалари бир бутун давлат эди. У киши буюк иқтидор билан салиб подшоликларига қарши жиҳод қилди ва улкан ғалабаларга эришди. Жумладан, бу ғалабаларнинг энг машҳури 583 ҳ.с. рабиъул охир ойи / 1187 м.с. ёз ойларига тўғри келган "Ҳиттин" ғалабаси эди. Бу сана ҳар бир мусулмон ёдида сақлаши шарт бўлган тарихий саналардандир.

У зот "Ҳиттин" ғалабасидан 3 ойдан сўнг, ражаб ойида Байтул Макдиси фатҳ қилди. Салоҳуддин Айюбий раҳимахуллоҳ ўзидан кейин Миср, Шом, Ҳижоз, Яман, Ироқнинг юқори қисмлари, Туркиянинг маълум жойлари, Ливия ва Нубанинг муайян бўлимларини ўз ичига олган катта давлатни қолдирди. Бу давлат ниҳоятда қувватли эди. Ўша вақтлар салибийлар Ўрта ер денгизи соҳилидаги

кичкина жойга сиқиб қўйилган эди. Салоҳуддин Айюбий раҳимахуллоҳ Шомда мавжуд бўлган салиб амирликларини тўлиқ яқсон қилган бўлмаса-да, Шом ва Фаластин ерларининг аксариятини салибчилардан озод қилган эди.

Салоҳуддин Айюбий раҳимахуллоҳ вафотидан сўнг, салибчиларга қарши жиҳод анча сусайди, мол-дунё ва кенг давлат қаршисида Салоҳуддин Айюбийнинг фарзандлари қаттиқ фитналанди. Натижада, Айюбийлар давлати бўлақларга бўлиниб кетди. Бунинг тафсилотларини салиб юришлари ҳақидаги дарсларда баён қиламиз, иншааллоҳ.

Улар ўртасидаги курашлар 59 йил муттасил давом этди. Яъни 589 ҳ.с.дан –яъни Салоҳуддин Айюбий раҳимахуллоҳ вафотидан– то 648 ҳ.с.гача давом этди. Бу кураш нафақат айтишув ва тортишув билан, ҳатто қилич кўтариб жанг қилиш ва мусулмонларнинг қони тўкилиши билан борди. Бу эса ислом оламида кучли тарқоқликка олиб келди. Салоҳуддин Айюбий раҳимахуллоҳ кучли давлат барпо қилиб, уни ўзидан кейин умматга қолдириб кетгани ва у кишидан сўнг бу жангу жадалнинг содир бўлгани ажабланарли эмас, дунё шундай нарсаси, унинг дастидан кўпчилик ҳалокатга гирифтор бўлади. Тарихлар оша ҳалокат ва фитна манбайи бўлган бу дунё ислом умматини ҳам ўз домига тортмай қўймади.

Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам айтадиларки: *"Кимники гами дунё йигиши бўлса, унинг йиққанини Оллоҳ тарқатиб юборади ва камбағаллигини унинг икки кўзи орасига ўрнаштириб қўяди. Бундай кимсага фақат унинг тақдирига ёзиб қўйилган ризқигина келади. Кимники нияти охирад бўлса, Оллоҳ унинг ишини жамлайди ва унинг бойлигини қалбига жойлаштириб қўяди. Дунё унга бўйсуниб келади"*³²

Салоҳуддин Айюбий раҳимаҳуллоҳ жиҳодни ва Оллоҳнинг сўзини олий қилишни ўз олдига ягона мақсад қилиб олганида Оллоҳ таоло у кишининг ишини жамлади ва бойлигини қалбида қилди ҳамда унга дунёни хоҳламаса ҳам берди. Аммо ундан кейинги султонларнинг бутун ташвишлари дунё жамғариш бўлганида, Оллоҳ уларнинг ишларини тарқоқ қилдики, ҳатто тўғрини хатодан, ҳақни ботилдан ажрата олмайдиган бўлиб қолдилар. Гоҳида мусулмонлар, гоҳида солибчилар, баъзан эса мўғуллар билан бирга бўлишди. Оллоҳ таоло уларнинг фақирликларини кўз ўнгида қилиб қўйди. Уларнинг орасида хор бўлиб ёки фақир, қочоқ ва маҳбус ҳолатда ўлганлари бўлди. Бу ҳодисалар Салоҳуддин Айюбий раҳимаҳуллоҳнинг вафотларидан сўнг, у кишининг замонларида рўй берди.

³² Ибн Можа, Табароний, Ибн Ҳиббон ривоятлари.

Валлоҳу таъала аълам....

Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.